

Холид ибн Умар ал-Адавий розияллоху анхудан



06:10 / 25.08.2018 3806

Холид ибн Умар ал-Адавий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Басранинг амири бўлган Утба ибн Ғазвон Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, бизга қуйидагича хутба қилдилар:

«Аммо баъд! Албатта, дунё ўзини фоний эканлигини эълон қилди. Ва тезлик ила йўлга тушди. Унда бирор (қизиқарли) нарса қолмади. Фақатгина идиш тагида қолувчи сарқит каби бир нарса қолдики, уни эгаси қўлга киритиб жамлайди. Албатта, сизлар бир диёрга кўчасизларки, у ерда заволлик йўқ. Сизлар ўзингиздаги бор нарсани яхшиси ила у ерга кўчинглар. Бизга хабар берилдики, агар жаҳаннам қирғоғидан бир тош улоқтирилса, у етмиш йилда ҳам қаърига етмайди. Аллоҳга қасамки, мана

шу жаҳаннам тўлдирилади. Сизлар бу айтилган сўзлардан ажабланияпсизларми? Ва яна бизга зикр қилиндики, жаннатнинг икки эшиги ораси қирқ йиллик йўлдир. Шундоқ кун келадики, одамлар издиҳом бўлганидан у ерда ҳам тўлиб кетади. Менинг эсимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга иймон келтирганларни еттинчисидирман. Биз овқатланишимиз учун дарахт баргидан бошқа нарса йўқ эди. (Еганимизда) оғизларимиз атрофи шилиниб кетар эди. Бир куни мен устки кийим топиб олдим. Уни ўртасидан бўлиб, Саъд ибн Моликка бердим. Ярмини ўзимга иштон қилиб олдим. Саъд ҳам ўзига теккан ярмини иштон қилиб олди. Ўша пайтдагиларнинг барчалари бугун шаҳарларнинг бирига амирдир. Мен эса Аллоҳ ҳузурида кичик бўлатуриб ўзимни юқори санашдан Аллоҳ номи ила паноҳ тилайман», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.